



ПЕДАГОГНИНГ НУТҚИ ВА НУТҚ УСЛУБЛАРИ

Бобоходжаев Рашиджон Хашимович

*Тошкент давлат транспорт университети, филология фанлари номзоди,
доцент, “Таҳририй нашриёт ва полиграфия” бўлими бошлиғи*

Аннотация: *Мазкур мақолада тил воситаларининг мақсадга мувофиқ танланиши, уларнинг воқелик ва нутқ шароитига мос равишда қўлланилиши таҳлил қилинган. Услуглар тилнинг вазифалари билан боғлиқ ҳолда вазифавий услублар сифатида таснифланади ва уларнинг ҳар бири ўз ифода воситалари билан ажралиб туради. Хусусан, илмий услубдаги нутқнинг хусусиятлари, унинг морфологик ва синтактик белгилари, мантиқий фикрлаш талаблари, термин ва тузилмага бўлган эҳтиёжи очиб берилган. Мақолада илмий услубнинг бошқа услублардан фарқли жиҳатлари ва унинг адабий тилдаги ўрни ҳам ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *педагог нутқи, нутқ услуби, нутқнинг вазифавий услуби, нейтрал услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб, илмий услуб, расмий услуб, оммавий услуб.*

Annotation: *This article analyzes the purposeful selection of language tools depending on the speaker's or writer's objective, the nature of reality, and the speech context. It explains that functional styles emerge as a result of language's communicative functions, with each style exhibiting its own features and linguistic devices. Particular attention is given to the scientific style of speech, its morphological and syntactic characteristics, the emphasis on logical thinking, and the usage of specialized terminology. The article also highlights how the scientific style differs from other functional styles and its role in the literary language system.*

Keywords: *Pedagogical speech, speech style, functional style of speech, neutral style, colloquial style, literary style, scientific style, official style, publicistic style, linguistic features, syntax, morphology, terminology, expression, stylistics.*

Сўзловчи ёки ёзувчи ўз олдига қўйган мақсади ва вазифаси, воқелик ҳамда нутқ шароитига қараб тил воситаларини танлаб ишлатади. Жумладан, маълум бир соҳа мутахассиси бўлган олим ўз илмий нутқида шу соҳага хос терминларни танлаб қўлласа, шоир ёки ёзувчи бадиий эстетик маъноли сўзларни топиб ишлатишга ҳаракат қилади, яъни бир воқелик мазмуни турлича шаклларда ифода қилинади. Чоғиштиринг: қуёш Шарқдан чиқиб, ғарбга ботади (илмий услуб). Қуёш Шарқ ёқасидан зар кокилини тараб, ғарб уфқида бош қўяди (бадиий услуб).

Услуглар тилнинг асосий вазифаларига (фикр билдириш, экспрессивлик кабиларга мос равишда) қараб бир қанча турларга бўлинади. Шунга кўра, улар



вазифавий услублар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, нутқ услуби тил ифода воситаларининг мақсадга мувофиқ уюшган системасидир.

Вазифавий услублар тарихан шаклланган адабий тилнинг турли кўринишлари бўлиниб, улар фикрни ифода этиш жараёниданутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади. Худди шунингдек, сўз, термин ва фразеологик иборалардан фойдаланишда ҳар бир услуб ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Ҳатто умумистеъмолдаги сўзлар ҳам турли нутқ услубларида турлича маънода келади.

Нутқнинг вазифавий услублари услубиятнинг катта бир тармоғи ҳисобланади. Нутқнинг вазифавий услублари турли олимлар томонидан ҳар хилтасниф қилинган. Нейтрал услубга оппозитив ҳолатда нутқ услубларининг асосий беш кўриниши мавжуд: илмий услуб, расмий-иш услуби, публицистик услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб. Бу услубларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Илмий услубдаги нутқ фикрнинг аниқ, мантиқли бўлишини талаб қилади. Шунинг учун мантиқий фикрлаш, абстракция, анализ ва синтез илмий услубнинг характерли хусусиятидир. Илмий услуб адабий тил меъёрларини тўла сақлаган далилий материалларга бой, аниқ ва сиқик ахборотли нутқ кўринишидир. Фан-техника, маданият ва санъат соҳасида ёзиладиган монография, дарслик, илмий - техник хабарлар, турли тўплам ва журналлардаги илмий мақолалар илмий услубда ёзилади. Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос илмий терминлари ва формулаларидан фойдаланилади. Масалан: Морфемика – сўзнинг маъноли қисмлари ҳақидаги таълимот – сўзнинг маъноли қисмлари морфемалар дейилади. Морфемалар икки турга бўлинади: 1) ўзак морфема; 2) аффиксал морфема. (“Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслик). Илмий услубда ёзилган асарлар, одатда, илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларга мўлжалланган бўлади.

Илмий услубдаги нутқ монологик характердаги ихчам нутқ бўлиб, унда кўчма маъноли сўзлар, мажоз, ҳазил, эркалаш, эмоционал-экспрессив сўзлар, фразеологик иборалар деярли учрамайди. Морфологик жиҳатдан бу услубда қаратқич келишиги белгисиз ҳолатда кўп ишлатилади (нутқ стили, тил бирлиги, тил олди, ундошлар таснифи). Сонлар ҳарфий шаклда эмас, кўпроқ рақамлар шаклида берилади. Биринчи шахс бирлик олмоши (мен) кўпинча кўплик (биз) шаклида ишлатилади. Аниқ ва мажҳул даражали феъллар нисбатан кўпроқ учрайди. Синтактик жиҳатдан илмий услубда мураккаб синтактик бирликлар кенгайган оборотлар ва эргаштирувчи боғловчили кўшма гаплар учрайди. Тингловчининг диққатини тортиш мақсадида дарак гаплар билан бир қаторда сўроқ шаклли гаплар ҳам ишлатилади. Айтилаётган фикрни мантиқий жиҳатдан боғлаш учун боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар, кириш ва киритма сўзлар (гаплар)алоҳида рол ўйнайди.



Хулоса қилиб айтганда, нутқнинг вазифавий услублари нутқнинг мақсад ва мазмунига боғлиқ ҳолда турли кўринишда ифода топади. Илмий услуб эса мантикийлик, аниқлик ва ихчамликка асосланган бўлиб, унинг тузилиш хусусиятлари бошқа услублардан кескин фарқ қилади. У фан ва таълим соҳаларида ахборотни самарали етказишда муҳим восита ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бабаходжаев Р. "Некоторые методологические вопросы терминологии." чебная терминосфера по избранной специальности сборник материалов научно-практического семинара (2010).
2. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
3. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
4. Бабаходжаев Р. Проблемы славянской лексикологии и фразеологии //славянские языки: системно-описательный и социокультурный аспекты исследования. – 2017.
5. Суюнова Д.Д. Научно-теоретический подход к реализации цифровой трансформации внедрения корпоративного управления в акционерных обществах. (Актуальные проблемы развития бизнеса и предпринимчивости в условиях цифровой экономики, международная научно-практическая конференция, 23 декабря 2022 г.).
6. Суюнова Д.Д. Анализ состояния внедрения и развития цифровой экономики в Узбекистане. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
7. Суюнова Д.Д. Пути использования автоматизированной информационной системы управления в обеспечении эффективности корпоративного управления. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
8. Суюнова Д.Д. Использование цифровых технологий в совершенствовании корпоративного управления. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, январь 2024 г.).
9. Babaxodjayev, Rashid. "Nekotorye metodologicheskie voprosy terminologii." chebnaya terminosfera po izbrannoy spetsialnosti sbornik materialov nauchno-prakticheskogo seminara (2010).
10. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.
11. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.



12. Babaxodjayev R. Проблемы slavyanskoy leksikologii i frazeologii //slavyanskie yazyki: sistemno-opisatelnyy i sotsiokulturnyy aspekty issledovaniya. – 2017.

13. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distansionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek scholar journal. – 2022. – t. 10. – s. 179-182.

14. Boboxo'Jayev R. H. Learning foreign languages online //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 6. – S. 840-845.

15. Babaxodjayev R. Kommunikativnyeosobennosti funkcionirovaniya evfemizmov //sodrujestvo yazykov sodrujestvo kultur. – 2017.

16. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distansionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – T. 10. – S. 179-182.

